

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

№ 38 - сонли

Мирзо Улугбек тумани

«21» Ноябрь 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман Халқ таълими Вазирлиги тасарруфидаги Филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби раҳбари номидан Низом асосида иш юритувчи Р.Мамбетова бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган ООО « KSY – GROUP» номидан Низом асосида иш кўрувчи Ким С.М. иккинчи томондан

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман Халқ таълими Вазирлиги тасарруфидаги Филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйдаги таърифлар қўлланилади;

- ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синовни тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;
- қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;
- вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;
- беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
- шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Смета ҳужжатларида кўзда тутилган лойиха бўйича ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда нархларда жами

74 479 099 (етмиш тўрт миллион тўрт юз етмиш тўққиз минг тўқсон тўққиз) сўм

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйдаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга энгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
 - ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
 - объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.
5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омондорликни таъминлаш ва сақлашни таъминлайди;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;
- қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан

- бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
- қурилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;
 - қурилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тўғрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бюртмачига тақдим қилади.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк тамонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.
9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулик хажмда тақдим қилади.
10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
 - ишлар бажарилиши устидан донимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;
 - Пудратчининг барча муурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
 - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва молиялаштиришни амалга ошириш;
 - Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
 - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;
12. Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга қиради.
14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради.
15. Объектни 15 календарь кунинда фойдаланишга топширилиши белгиланади .

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишларига 30 % микдорда аванс ўтказди, бу 22 343 729,70 сўмни ташкил этади.
18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар 7 банка кунда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)
19. Буюртмачи томонидан молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.
20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.
21. Пудратчи жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун ҳисобот ойнанинг охириги кунгача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари микдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.
22. Буюртмачига жорий таъмирлашни молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувдан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос булади.
23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узинда сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида булади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини ёки техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини

текширади.

25. Беркитилган вакил ёки техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун лаври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи беркитилган вакил ёки техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Беркитилган вакил техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четта чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қилинган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қилинган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳолатлар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида қилиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажарилмаслиги учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга қўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида қилиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:

- барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш ишларини бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
 - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилди, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.
38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришинома юборди.
39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ХII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 395 сонли қарори билан, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.
42. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:
- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорда жарима тўлайди;
 - Буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка қунида сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорда жарима тўлайди;
 - шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорда жарима тўлайди;
 - шартнома шартларига мувофиқ тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорда жарима тўлайди;
43. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкий жавобгар бўлади ва:
- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.
 - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойнанинг охириг қунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорда жарима тўлайди;
 - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорда жарима тўлайди;
 - объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорда жарима тўлайди;
 - Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун қундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қилмас ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорда жарима тўлайди.
44. Агарда томонлардан бири ўз реквизи́тларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, қорхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи томонга ёзма хабар бермаса айбдор томон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорда жарима тўлайди.
45. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор томон иккинчи томонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.
46. Тамонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% дан ошмаслиги керак.
47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

ХIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қилишувга эришмасалар, у ҳолда улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

ХIV. Тарафларнинг коррупцияга қарши қурашиш бўйича маъсулияти.

49. Тарафлар Шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.
50. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларни бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.
51. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:
- пора бериш, шунингдек ушбу жинойтга воситачилик қилиш;
 - товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
 - пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.
52. тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимларининг рағбатлантиришининг ҳар қандай шаклини рад этадилар. жумладан:
- тарафларнинг ёки вакилларида маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажариш ушбу ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришини.
53. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда суъийи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.
54. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиши ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1 бандда белгиланган қондалардан бири содир этилганда ушбу ҳаракат содир этилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор этилмайдиغان далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

55. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.
56. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.
57. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.
58. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
59. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.
60. Мазкур шартноманинг нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта кўриб чиқилади.
61. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.
62. Мазкур шартнома томонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ғазначилиқдан рўйхатдан ўтгандан кейин юридик кучга кирилади ва ушбу шартнома 31.12.2022 йил гача амал қилади.
63. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

ПУДРАТЧИ:

БУЮРТМАЧИ:

«KSY – GROUP» МЧЖ	Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Халқ таълими Вазирлиги тасарруфидаги Филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби
Манзил: Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Буюк Ипак Йўли, 232-234	Манзил: Оккургон кучаси 34-уй
Телефон: +99890 370 – 63 -02	Телефон: +99871 235 35 72
х/р: 20208000305090433001	х/р: 100010860262697092100075003
ИНН: 306 490 337	ИНН: 201156124 ОКЭД: 82200
Банк: ОПЕРУ Капитал банк	Молия вазирлиги газначилиги
МФО: 00 974	х/р: 23402000300100001010
ОКОНХ: 42990	Банк: Марказий банк Тош.ш.
	ИНН: 201122918

Раҳбар



МЎ

Ҳуқуқшунос



Р. Мамбетова

2186450



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"KSY-GROUP" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"KSY-GROUP" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

10.06.2019

731893

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306490337

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Buyuk Ipak Yo'li ko'chasi, 232-234-uy,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Мактаб директори Р.З.Мамбетова



21 ноябрь 2022 йил

Нотураржой биноларини таъмирлаш бўйича конкурс
БАЁННОМАСИ № 183324/1

Кун тартибидаги масала

Ташкилотда нотураржой биноларини иситиш тизимини жорий таъмирлаш хизмати бўйича тузилган баённомага билдирилган эътирозлар тўғрисида (ЛОТ 22110012183324)

Комиссия раиси мактаб директори Р.З.Мамбетова

Аъзолари:

Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Қ.Т.Рўзиев

Бош ҳисобчи С.Ш.Мухаммадиева

Бош ҳисобчи ўринбосари С.С.Эргашев

ДЎИБЎ Т.Ж.Мусаев

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия раиси сўз олиб, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Филология мактаби хоналари иситиш тизимини жорий таъмирлаш бўйича 16.11.2022 йилда энг яхши таклифни танлаш ғолибини аниқлаш тўғрисидаги №183324/1—сонли баённома (ЛОТ 22110012183324) тузилган бўлиб, ушбу баённома бўйича **икки Иш куни** давомида баённомада кўрсатилган ташкилотлар томонидан мактаб комиссияси аъзоларига ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади.

Комиссия раиси, мактаб директори

Р.З.Мамбетова

аъзолари:

ХИБДЎ

Қ.Т.Рўзиев

Бош ҳисобчи

С.Ш.Мухаммадиева

Бош ҳисобчи ўринбосари

С.С.Эргашев

ДЎИБЎ

Т.Ж.Мусаев

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 183324 на приобретение Xalq ta'limi Vazirligi tasarrufidagi Filologiya maktabi xonalari isitish tizimini joriy ta'mirlash

Способ проведения электронный

Дата 16.11.2022

Время рассмотрения 16.11.2022 17:08

Закупочная комиссия Государственная специализированная общеобразовательная школа с углублённым изучением филологических предметов при МНО РУз, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	MAMBETOVA RABIGA ZULPIXAROVNA	Мaktab direktori	Filologiya maktabi
Секретарь комиссии	RUZIYEV QAXRAMON TOG'AYEVICH	ХИБДУ	Филология мактаби
Член комиссии	MUXAMMADIYEVA SOHIBA SHUKURULLAYEVNA	Бош хисобчи	Филология мактаби
Член комиссии	MUSAYEV TURABEK DJURABAYEVICH	Ўқитувчи	Филология мактаби
Член комиссии	ERGASHEV SARVAR SAID O'G'LI	Бухгалтер	-
Член комиссии	MAGDAMINOV IGAMBERDI NIGMATOVICH	Bino ishchisi	Filologiya maktabi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.11.2022 года № лота 183324.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	Toshkent shahar Mirzo Ulug'bek tumani Xalq ta'limi Vazirligi tasarrufidagi Xalq ta'limi Vazirligi tasarrufidagi Filologiya maktabi xonalari isitish tizimini joriy ta'mirlash
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	79 472 000.00
Стартовая сумма	79 472 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Кафолат

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектни ўз вақтида сифатли топшириш, таъмирлаш объектини жойига чиқиб кўрилганлиги ва ўзи таклиф этган суммага розилиги (Банкда объект шартнома суммасининг 20 % миқдорида пул маблағлари мавжудлиги, ишларни бажаришнинг умумий графиги мавжудлиги,)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
XISRAV AVAZBEK HAMKOR MCHJ	10	Кафолат	10	Экспертная		
OOO KSY-GROUP	10	10	10	Экспертная		
THE BEST GROUP BUSSNIS MChJ	10	файл юкланди	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №2 Ўхшаш объектлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Талабгор ташкилотнинг 3 йиллик ухшаш объектлар буйича иш тажрибасига эга эканлиги (Гувоҳнома, иш намуналари, шартномалар ва тажрибали ишчи ходимлари тўғрисида маълумот.)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
XISRAV AVAZBEK HAMKOR MCHJ	20	Ўхшаш объектлар	10	Экспертная		
OOO KSY-GROUP	20	20	20	Экспертная		
THE BEST GROUP BUSSNIS MChJ	20	таклиф	5	Экспертная		

Критерий №3 Машина ва механизмлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур қурилиш техникалари ва кичик механизмларга эга эканлиги бўйича

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
XISRAV AVAZBEK HAMKOR MCHJ	20	Машина ва механизмлар	20	Экспертная		
OOO KSY-GROUP	20	20	15	Экспертная		
THE BEST GROUP BUSSNIS MChJ	20	таклиф	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №4 Объект билан танишганлиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Талабгорнинг объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлар билан танишганлиги, қурилиш объектини жойида ўрганганлик тасдиғи.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
XISRAV AVAZBEK	30	Объект билан	25	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
НАМКОР МСН		танишганлиги тўғрисида маълумот				
ООО KSY-GROUP	30	30	25	Экспертная		
THE BEST GROUP BUSSNIS MСн	30	таклиф	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №5 Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари (Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги ва Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллари, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома ва картатека мавжуд эмаслиги ҳақида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
XISRAV AVAZBEK НАМКОР МСН	20	Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари	10	Экспертная		
ООО KSY-GROUP	20	20	20	Экспертная		
THE BEST GROUP BUSSNIS MСн	20	файл	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
XISRAV AVAZBEK НАМКОР МСН	79 472 000.00	78 000 000.00 UZS	78 000 000.00	00.00	78 000 000.00	14.11.2022 17:06:25	95.48602
ООО KSY-GROUP	79 472 000.00	74 479 099.00 UZS	74 479 099.00	00.00	74 479 099.00	14.11.2022 19:14:33	100

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
THE BEST GROUP BUSSNIS MСн	Не прошел	Не прошел	Не прошел
XISRAV AVAZBEK НАМКОР МСН	Прошел	95.48602	95.48602
ООО KSY-GROUP	Прошел	100	100

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 183324 от 16.11.2022 года на приобретение Xalq ta'limi Vazirligi tasarrufidagi Filologiya maktabi xonalari isitish tizimini joriy ta'mirlash определила победителем:

ООО KSY-GROUP
306490337

и резервный исполнитель: XISRAV AVAZBEK HAMKOR MCHJ (309619732)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	MAMBETOVA RABIGA ZULPIXAROVNA	Согласен	
Член комиссии	MUXAMMADIYEVA SOHIBA SHUKURULLAYEVNA	Согласен	
Член комиссии	MUSAYEV TURABEK DJURABAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ERGASHEV SARVAR SAID O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	MAGDAMINOV IGAMBERDI NIGMATOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

ООО «KSY¹⁸ - GROUP»₄ SHAKL

г.Ташкент, М.Улугбекский р-н, ул.Буюк Ипак Йули, 232-234, Р/с 20208000305090433001, ОПЕРУ АКБ «Капиталбанк», МФО 00974, ИНН 306490337

№: 84

Sana: 13.12.2022

Xarid komissiyasiga

KORRUPSIYA KO'RINISHLARIGA YO'L QO'YMASLIK BO'YICHA ARIZA

Men, Kim S.M. «KSY-GROUP» rahbari (*xarid tartib-taomili ishtirokchisining nomi ko'rsatiladi*) tovar etkazib berish uchun (*taklif etilayotgan tovar turlari ko'rsatib o'tiladi*) o'tkazilayotgan eng yaxshi takliflarni tanlash vositasidagi davlat xaridida korrupsiyaga oid huquqbuzarliklarga yo'l qo'ymaslik majburiyatini olaman.

Men korrupsiyaning quyidagi ko'rinishlariga yo'l qo'ymaslikni kafolatlayman:

- O'zbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan har qanday xatti-harakatlarni amalga oshirish;
- o'z mansab yoki xizmat mavqeimdan shaxsiy manfaatlarimni yoxud o'zga shaxslarning manfaatlarini ko'zlab moddiy yoki nomoddiy naf olish maqsadida qonunga xilof ravishda foydalanish;
- tanlash bo'yicha xarid qilish hujjatlarini qonunchilikka zid tartibda rasmiylashtirish;
- tanlash bo'yicha xarid qilish tartib-taomillarini qonunchilikka zid tartibda amalga oshirish;
- davlat xaridlari sub'ektlariga ta'sir o'tkazish, jumladan, pora berishni taklif qilish, va'da berish, tovlamachilik qilish, pora sifatida pul to'lash, bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish;
- manfaatlar to'qnashuviga;
- tanlashda ishtirok etayotgan boshqa ishtirokchilar bilan til biriktirish;
- ishonchsiz yoki buzib ko'rsatilgan axborotni taqdim etish.

Korrupsiyaga oid huquqbuzarliklar sodir etish holatlari aniqlangan taqdirda qonunchilikka muvofiq javobgarlikka tortilishga rozilik bildiraman.

Rahbarning Kim S.M.: _____

Telefon/faks raqami: +99890 370- 63 – 02

Elektron pochta manzili: Elena.visotskaya@gmail.com

Imzo:

M.O'

